

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 272 (1598), 2025 йил 30 декабрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ: ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ ЎСИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 декабрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Фавқуллод ва мухтор элчиси Юсуф ал-Утайбийни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари элчининг самарали фаолиятини ҳамда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳар томонлама шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида таъкидлади.

Турли даражаларда тизимли мулоқот ва фаол алоқалар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш, тўғридан тўғри инвестициялар ҳажми ва қўшма корхоналар сони жадал ўсиб бормоқда. Саудия Арабистонининг етакчи компаниялари билан лойиҳалар портфели 27 миллиард доллардан ошди.

“Яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани

ривожлантириш ва бошқа устувор соҳаларда лойиҳа ҳамда ташаббуслар амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Жорий йилнинг октябрь ойида Саудия Арабистонида Ўзбекистон маданияти кунлари юқори савияда ўтказилди. Мамлакатимиз Ар-Риёдда бўлиб ўтган Халқаро китоб кўргазмасида иштирок этди.

Ўзбекистон етакчиси Саудия Арабистони Хукуматига фуқароларимизнинг Ҳаж ва Умра амалларини адо этишига яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Юсуф ал-Утайбийга Ўзбекистон — Саудия дўстлик ва кўп томонлама шериклик

муносабатларини мустақамлашга қўшган катта ҳиссаси учун “Дўстлик” орденини топширди.

Элчи унинг дипломатик миссиясига берилган юксак баҳо ҳамда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатимиз етакчисига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида етакчилар бир-бирларини яқинлашиб келаятган Янги йил байрами билан самимий табриклаб, икки мамлакатнинг қардош халқларига тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар. Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ҳам самимий саломини йўллади.

Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини олий даражада эришилган келишувлар доирасида янада

ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражалардаги мулоқотлар фаол давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажми жадал ўсиб бормоқда. Энергетика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида ҳамкорлик кенгаймоқда. “Шовот — Тошхувуз” чегараолди савдо зонаси ишга туширилди. Худудлараро, ишбилармонлик, маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Минтақавий ҳамкорликнинг асосий масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Авазда йирик саммитлар, Ашхободда Туркменистон бетаарафлигининг 30 йиллиги ҳамда “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” муносабати билан ташкил этилган форум муваффақиятли ўтказилганини алоҳида таъкидлади.

Келгуси йилда бўлажак учрашувлар режаси кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий тадбирларни биргаликда ўтказишни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР БАРҚАРОР ВА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида мамлакатимиз етакчиси ва Қозоғистоннинг биринчи Президенти яқинлашиб келаятган Янги йил байрами муносабати билан бир-бирларини самимий кутлаб, қардош мамлакатларимиз халқларига тинчлик, барқарорлик ва равақ тилакларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юксак даражага чиққани, шунингдек, кўп қиррали ҳамкорлик барча устувор соҳаларда изчил ривожланаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

ЎЗА

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИГА ГУВОҲ БЎЛЯПТИ

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва мамлакат халқица Мурожаатномаси хорижий экспертлар диққат марказида

Давлатимиз раҳбарининг 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқица йўллаган Мурожаатномаси халқаро миқёсда кенг акс садо бериб, хорижий сиёсатчилар, таҳлилчилар ва экспертлар ҳамжамиятининг эътиборини тортди. Ўзбекистон етакчисининг Мурожаатномаси нафақат ислохотларнинг навбатдаги босқичи яқунлари, балки мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини акс эттирувчи дастурий баёнот сифатида қабул қилинди.

Давоми 2-бетда



Янги Ўзбекистон руҳи

“Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу — демократиянинг бирламчи талаби. Аммо миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир”.

Бу асосли эътироф Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқица 2025 йил 26 декабрь куни тақдим этилган Мурожаатномасида янгради.

Ифтихор

ГЎЗАЛ ВАТАН

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Миллат матонатномасини жонга жойла,
Жонга жойла, жон бирла иймонга жойла.

Сен жаҳолат дунёсини кўп уйғотгандинг,
Уйғот яна, яна уйғон, гўзал Ватан.

Булбулга ҳам бўлмай ошён гўзал Ватан,
Ўз юртини айлар инсон гўзал Ватан.

Қирсанг ислом тамаддуни қасри аро,
Бунда айлар хатми Қуръон гўзал Ватан.

Мен фахр этсам арзигаидир замонамдан,
Қурдик янги давру даврон, гўзал Ватан.

Насиб этса қучгаймиз ҳам самоларни,
Зижи кўрагонийдан шон, гўзал Ватан.

Бу кунларга осонликча етмадик биз,
Бермиш қанча жонни қурбон гўзал Ватан.

Юлдузлардан хабар олиб келгайдирмиз,
Бобомерос, бобоосмон — гўзал Ватан.

Дунё давлатларини гуррос қаратолган,
Соҳибқарвон, соҳибсарбон, гўзал Ватан.

Тўққиз юз минг қақалоққа бешик олган,
Онажону ҳам моможон, гўзал Ватан.

Ватандошим, юртнинг фазлу камолин кўр,
Жаҳон ичра янги жаҳон, гўзал Ватан.

Ватан эмас букун фақат шаҳру кентлар —
Ҳар ўғил-қиз, ҳар қиз, ўғлон гўзал Ватан.

Миллат матонатномасини жонга жойла,
Бу янги жон, бу янги қон, гўзал Ватан.

Барчамиз ҳам бу дунёга меҳмонларимиз,
Гўзал Ватан, мангу мезбон, гўзал Ватан.

Гўзал Ватан маҳалла-кўй, боғу бўстон,
Янги келинчақдай жонон, гўзал Ватан.

Ҳеч бир миллат бир миллатни камситмасин,
Бўлмасин ҳеч хонавайрон, гўзал Ватан.

Янги орзу-ниятлардан чароғондир,
Минг-минг янги уй, хонадон, гўзал Ватан.

Барча эллар, хор элатлар бўлсин обод,
Яшнасин то илму ирфон гўзал Ватан.

Давоми 3-бетда

ТАРИХИЙ МУРОЖААТНОМА

Ўзбекистон Президенти — янги Ўзбекистон парламентининг меъмори

Кейинги тўққиз йилда жамиятимиз ва давлатимиз катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори миллий парламент тизимида ҳам улкан ислохотлар амалга оширилди.

Бу ҳақда фикр юритганда, албатта, ўтган тўққиз йил ичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати дунё парламентларига хос барча ижобий хусусиятларини

ўзида қамраб олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентнинг парламентга Мурожаатнома тақдим этиши амалиёти йўлга қўйилгани ушбу фикримизни тасдиқлайдиган ёрқин мисолдир.

Дунё таърибаси ақсарий тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари хузурида энг асосий долзарб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий масалалар ҳамда жамиятнинг демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш амалиёти мавжуд эканини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси — дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб:

биринчидан, Мурожаатнома Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтани назари баён қилинади; иккинчидан, Мурожаатнома сиёсий, иқтисодий, ғовий-мафқуравий қондалар билан бирга парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ тақлифларни ҳам ўзида акс эттиради;

учинчидан, Мурожаатнома жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институтдир.



ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН МУВАФФАҚИЯТЛАРИГА ГУВОҲ БЎЛЯПТИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги асосий ютуқларини қайд этиб, ислохотларнинг кейинги йўналишларини белгилаб берди. Аҳолининг турмуш сифатини ошириш, ижтимоий сийосатни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

2026 йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинди. Ушбу қарор билан республика раҳбари макрориктисодий муваффақиятлардан ижтимоий



Ильяс УМАХАНОВ,
Россия Федерал Мажлиси
Федерация кенгаши фаи, таълим
ва маданият қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари:

— Аввало, Россия сенаторлар корпуси номидан Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон эришган улкан натижаларга чуқур ҳурматини билдиришга ва яқин истиқболга мўлжалланган улкан режаларни қўллаб-қувватлашга изҳозат бергайсиз.

Ўзбекистон сўнгги йилларда кенг қамровли модернизация йўлидан дадил ва изчил бормоқда. Иқтисодийда эришилган ютуқлар — ялли ички маҳсулотнинг ўсиши, рекорд даражадаги инвестициялар, молия тизимининг мустаҳкамланиши очик бозор иқтисодиётини яратиш бўйича танланган йўлни тўғрилигидан далолат беради. Ижтимоий соҳадаги муваффақиятлар алоҳида таассурот қолдиromoқда. Камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсадига муддатидан олдин эришилгани шунчаки статистика эмас, балки миллионлаб Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг реал яхшиланиши, десак айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган чуқур рамзий маънога эга. Бу қадам ислохотлар марказида инсон, унинг

жараёнлар ва инсон капитали билан чуқурроқ ишлашга ўтиш истagini таъкидлади.

Хоризлик экспертларнинг фикрича, Мурожаатномада баён этилган қондалар амалга ошириладиган ислохотларнинг тизимли ва узоқ муддатли хусусиятини акс эттириб, давлат бошқаруви ва ижтимоий ривожланишга ёндашувлар эволюциясини намоеён этади. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, маҳаллий ҳамжамиятлар, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик иштирокига эътибор Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш ва ижтимоий масъулият мувозанатига асосланган инклюзив ривожланиш моделини шакллантиришга интилишдан далолат беради.

фаровонлиги ва ижтимоий ҳамжиҳатлик турганини таъкидлайди. Ўзбекистоннинг маҳалла институтини жамият таянчи сифатида мустаҳкамлаш борасидаги тажрибаси бебаҳо ва шубҳасиз, қўллаб мамлакатлар, жумладан, жамоавийлик ва ўзаро ёрдам ананалари кучли бўлган Россия учун ҳам қизиқиш уйғотади.

Тақдим этилган 2026 йилга мўлжалланган дастур ўзининг кенг қамровлилиги билан кишини ҳайратга солади. Технологик ютуқларга, сунъий интеллект соҳасидаги лойиҳаларга ва улкан космик дастурга ургу бериш давр талабларига мос келади ва Россия — Ўзбекистон илмий-техникавий ҳамкорлиги учун янги уфқларни очади. “Яшил” кун тартиби ва кенг қўламли экологик ташаббуслар мамлакатларимиз учун умумий бўлган барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам тўлиқ ҳамоҳангдир.

Россия Ўзбекистоннинг тинчликсевар, кўп векторли ва мувозанатли ташқи сийосатини, унинг Марказий Осиёдаги конструктив ролини юксак қадрлайди. Минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича ташаббусларини, Марказий Осиё ҳамжамияти форматини илгари суришни қўллаб-қувватлаш бутун Евроосиё маконининг барқарорлиги ва фаровонлиги учун узоқ муддатли манфаатларга жавоб беради.

Россия — Ўзбекистон муносабатлари кўп асрлик дўстлик, ўзаро ҳурмат ва халқаро кун тартибидagi асосий масалалар бўйича позицияларнинг мос келиши ёки яқинлигига асосланган кенг қамровли стратегик шериклик хусусиятига эга.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан белгилаб берилган янги устувор йўналишларнинг амалга оширилиши барча соҳада — савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардан тортиб, маданий-гуманитар соҳаларгача икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун янги туртки бўлади. Ўзаро тажриба алмашиш, инфратузилма, энергетика ва инновация лойиҳалари устида биргаликда ишлашга тайёремиз.

Қардош Ўзбекистон халқининг янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги янги ва улкан ташаббусларига муваффақият тилаймиз.



Александра ПЕРМИНОВА,
Россия Фанлар академиясининг
Хитой ва замонавий Осиё
институтини илмий ходими:

— Президент Шавкат Мирзиёев парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сўнгги йилларда мамлакатда эришилган макрориктисодий натижаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ислохотлар даврида республика барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда.

— Президент Шавкат Мирзиёев парламент ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сўнгги йилларда мамлакатда эришилган макрориктисодий натижаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ислохотлар даврида республика барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини намойиш этмоқда.

Абдулхамид Ҳамид
Абдуллоҳ ал-КУББИ,
Саудия Арабистонининг
“Sahm News” нашри мухбири:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев парламент ва мамлакатнинг кўп миллатли халқига мурожаат қилиб, унда 2025 йил якунларини сарҳис қилди ва 2026 йилга мўлжалланган тараққиётнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб берди. Мурожаатнома дастурий характерга эга бўлиб, унда кейинги тўққиз йилда амалга оширилган демократик ва иқтисодий ислохотлар изчиллиги, янги Ўзбекистонни — очик, барқарор ва ижтимоий йўналтирилган давлатни барпо этиш йўли акс эттирилган.

Президент сўзининг аввалида ўтган йилларда ислохотлар ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ҳаётида сезилганини таъкидлади. Булар шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, замонавий мактаб, боғча ва шифохоналар барпо этиш, транспорт-логистика тизими ва рақамли хизматларни ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда.

Мураккаб халқаро вазият, глобал иқтисодий зиддиятлар ва хавфсизлик таҳдидлар кучайиб бораётганига қарамай, 2025 йил Ўзбекистон учун улкан ютуқлар йили бўлди. Бу ютуқларга халқнинг фаол қўллаб-қувватлови, ешларнинг куч-ғайрати ва шижоати, маҳалланинг фуқаролик жамиятининг ноёб институтини сифатидаги мавқеи ошгани, тадбиркорлар, фермер ва таҳрирларнинг

Россия Ўзбекистон иқтисодиётидаги бундай тенденциялардан жуда манфаатдор. Бу Марказий Осиёда минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади ва савдо-инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай шароит яратади.

Саноатни ривожлантиришнинг эълон қилинган устувор йўналиши алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон газ-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника ва кимё саноатида лойиҳаларни амалга ошириш орқали қайта ишлаш тармоқлари уллушини мақсадли равишда ошириб бормоқда. Шу маънода, мамлакатларимиз ҳамкорлиги учун қўшимча имкониятлар очилмоқда.

Россия компаниялари энергетика, жумладан, атом энергетикаси, қазиб олиш тармоқлари, саноат ускуналарини етказиб бериш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларида иштирок этмоқда. Икки мамлакатнинг сармоявий ресурслари ва ишлаб чиқариш ваколатларини уйғунлаштириш асосида технологик ҳамкорликни чуқурлаштириш учун замин яратилмоқда.

Бугун бизнинг стратегик мўлжалларимиз кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Бу эса нафақат Ўзбекистон еки Россия, балки бутун минтақа тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор яратади.



Ян ЦЗИПИН,
“Travel&Leisure” нашри
бош муҳаррири (Хитой):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номлашни таклиф этди. Ушбу ташаббусни амалга ошириш доирасида маҳаллаларни ривожлантириш учун давлат бюджетидан кўпроқ маблағ ажратилади. Чунки бу ўзини ўзи бошқариш институтини аллақачон ўзини оқлаган.

Уларни ободонлаштириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш, янги иш ўринлари очилиш, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда маҳалла ноёб жаҳон тажрибасига эга бўлиб, одамларнинг аҳил яшashi ва камол топиши учун энг қўлай муҳитдир.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг йилдан йилга муваффақиятли ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Мамлакатда замонавий технологиялар ва илгор инновациялардан фаол фойдаланилмоқда.

Шубҳасиз, бундай натижаларга фақат ўз халқи фаровонлиги ва мамлакат раънақини ҳамма нарсдан устун қўядиган давлат раҳбарининг оқилона ва стратегик раҳбарлигида эришиш мумкин.

Мурожаатномада 2026 йилга мўлжалланган олтига асосий устувор йўналиш, жумладан, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётни технологик ва инновацион моделга ўтказиш, ички талабни рағбатлантириш, меҳнат бозори ва профессионал таълим тизимини ислох қилиш, экологик мувозанат ва “яшил” энергетикани таъминлаш, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини янада модернизация қилиш вазифалари белгилаб берилди.



ташаббускорлиги, вазмин ва дўстона ташқи сийосат тўғрисида эришилди.

Иқтисодий соҳада барқарор ривожланиш қайд этилди. Мамлакат тарихида илк бор ялли ички маҳсулот қиймати 145 миллиард доллардан ошди. Ҳолбуки, тўққиз йил аввал бу кўрсаткич қарийб 100 миллиардни ташкил этарди. Экспорт 23 фоиз ўсиб, 33,4 миллиард долларга етди. Олтин-валюта захиралари 60 миллиард доллардан ошди. Жалб қилинган хорижий инвестиция ҳажми 43,1 миллиард долларни ташкил этиб, ялли ички маҳсулотнинг 31,9 фоизига тенг бўлди.

Президент бу кўрсаткичлар халқаро ҳамжамият ва нуфузли молия институтлари томонидан эътироф этилаётганини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини “ВВ-” даражасидан “ВВ” даражасига кўтарилди. Бу қарз олиш харажати кескин пайдевори бўлиб қолишини таъкидлади. Бунинг учун 9000 дан зиёд маҳаллани меҳроқибат, адолат, таълим ва ижтимоий қўмак

Мурожаатномада ижтимоий сийосатга алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда яна 5 миллион кишида даромад манбаи пайдо бўлди. Ишсизлик даражаси 4,9 фоиз, камбағаллик даражаси эса 5,8 фоиз қамайди. 1 миллион 500 мингга яқин фуқаро камбағалликдан чиқарилди. 1435 та маҳаллага илк бор камбағалликдан холи худуд мақоми берилди. 2026 йилга қад белгирилган камбағалликни 2 баробар қисқартириш мақсадига муддатидан олдин эришилди.

Президент ўзбекистонлик спортчилар ва ешларнинг муваффақиятини ҳам қайд этди. Футбол бўйича миллий терма жамоа тарихда илк бор жаҳон чемпионатида йўл олгани тарихий воқеа бўлди. Шахмат бўйича ҳам катта ютуқларга эришилди, Жаҳоҳир Синдоров жаҳон кубогига ғолиб бўлди, халқаро олимпиада ва паралимпия мусобақаларида қўллаб-қувватлаш берилди.

Халқаро майдонда Ўзбекистон фаол мулоқот майдони сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлади. 2025 йилда мамлакат Парламентлараро иттифокнинг юбилей ассамблеяси, ЮНЕСКО тадбирлари, “Марказий Осиё — Европа иттифоқи” саммити, Халқаро иқлим форумини меъзолик қилди. Марказий Осиё давлатлари билан тарихий ҳужжатлар, Европа Иттифоқи билан кенгайтирилган шериклик тўғрисида битимлар имзоланди, Япония ва АКШ билан муҳим келишувларга эришилди.

Президент 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиб, маҳалла ижтимоий ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва барқарорлик пойдевори бўлиб қолишини таъкидлади. Бунинг учун 9000 дан зиёд маҳаллани меҳроқибат, адолат, таълим ва ижтимоий қўмак

масканига айлантириш бўйича алоҳида давлат дастури қабул қилинади.

Мурожаатномада 2026 йилга мўлжалланган олтига асосий устувор йўналиш, жумладан, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётни технологик ва инновацион моделга ўтказиш, ички талабни рағбатлантириш, меҳнат бозори ва профессионал таълим тизимини ислох қилиш, экологик мувозанат ва “яшил” энергетикани таъминлаш, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини янада модернизация қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Президент мамлакатининг стратегик мақсади даромади ўрғачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш эканини таъкидлади. Прогнозларга кўра, 2026 йилда ялли ички маҳсулот қиймати 167 миллиард долларга етади. 2030 йилга бориб эса 240 миллиард доллардан ошиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурожаатномани якунлар экан, барчани ҳамжиҳатлик ва бирдамликка чақирди. “Агар биз ҳамжиҳат бўлиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб олган интилсак, қўзлаган улуг мақсадларимизга албатта етамиз. Мен мард ва олижаноб халқимизга ишонаман”.

“Дунё” АА

РОССИЯ – ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ХАЛҚАРО КУН ТАРТИБИДАГИ АСОСИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ПОЗИЦИЯЛАРНИНГ МОС КЕЛИШИ ЁКИ ЯҚИНЛИГИГА АСОСЛАНГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ЎРНИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистоннинг Токио шаҳридаги элчихонасида давлатимиз раҳбарининг 18-20 декабрь кунлари Японияга расмий ташрифи якунлари ва эришилган келишувлар юзасидан брифинг ташкил этилди.

Унда Япония Ташқи ишлар вазирлиги, Япония ташқи савдон ривожлантириш ташкилоти (JETRO), Япониянинг Россия ва янги мустақил давлатлар билан савдо уюшмаси, Япония халқаро алоқалар институти, таҳлил марказлари ва олий таълим соҳаси вакиллари иштирок этди.

Брифинг аввалида Ўзбекистон элчиси Муҳсинхўжа Абдурахмонов давлат раҳбарининг Японияга расмий ташрифи барча соҳалардаги урчушув ва тадбирларни қамраб олганини таъкидлади, бу ташриф Ўзбекистон стратегик ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очганини таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларига расмий ташриф мобайнида Япония Императори, Бош вазири, парламентнинг икки палатаси раҳбарияти ва ҳукумат аъзолари, шунингдек, ишбилармон доиралар ва академик ҳамжамият вакиллари билан ўтказилган музокаралар якунлари бўйича маълумотлар тақдим қилинди.

Брифинг якунида Япония томони вакиллари Ўзбекистон Президентининг Японияга ташрифи юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилишларини қайд этди.

Кёко НАКАЯМА,
Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси (1999-2002 йиллар), Япония парламентининг Маслаҳатчилар палатаси собиқ депутати:

— Ўзбекистон Президентининг Японияга расмий ташрифини катта қизиқиш билан кузатдим. Олий даражадаги урчушувлар, икки томонлама музокаралар ва эришилган



келишувлар ушбу ташрифини муносабатларимиз учун тарихий воқеага айлантдири. Марказий Осиёдаги ҳозирги сийосий вазият мен Ўзбекистонда ишлаган давримдан анча фарқ қилади. Аммо Ўзбекистон раҳбариятининг сийосий иродаси ва ташаббуслари, ялли қўшимчилик сийосати мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга имкон берди.

Мари СУЗУКИ,
“Tokyo Foundation” жамғармаси
ижрочи директори:

— Утказилган музокараларда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтиришга интилиш яққол намоеён

бўлди. Жорий йил сентябрь ойида Ўзбекистонда бўлиб ўтган халқаро конференцияда шаҳсан иштирок этиб, мамлакатингиз демократик ислохотлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида илгарилла бораётганини таъкидлади.

Япония ташқи савдон ривожлантириш ташкилотининг (JETRO) Глобал стратегия департаменти директори Куня Асамото сўнгги йилларда Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада ривожланганини таъкидлади.

— Сўнгги беш йилда Ўзбекистонда фаолият юритаётган япон компаниялари сони

икки баробар ошди, — деди JETRO вакили. — Япониянинг тўғридан тўғри инвестициялари мамлакат иқтисодиётида, айниқса, энергетика, ахборот технологиялари, саноат, хизмат кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда муҳим роль ўйнай бошлади.

Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси (JATA) ижрочи директори Хироши Танимура туризм соҳасида сезиларли ютуқларга эришилганини қайд этди.

— Туризм инфратузилмаси яхшиланиши билан Ўзбекистон сайёҳлар учун энг жозибador йўналишлардан бирига айланган, — деди у. — 2025 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган япониялик сайёҳлар сони 30 минг нафардан ошгани тарихий ютуқдир.

Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари ўртасидаги институтини ижрочи директори Тецужи Танаканинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президентининг ташрифи мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

— Ушбу ташриф Ўзбекистоннинг глобал сийосат ва иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаб, келгуси ҳамкорлик учун янги имкониятлар очди, — деди эксперт.

Шундай қилиб, давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, сийосий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, туризм соҳасидаги ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришда муҳим қадам бўлди.

“Дунё” АА

ТАДБИРКОРЛАРГА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ СИФАТИДА ҚАРАЛМОҚДА



Шавкатбек ХОЛБОВЕВ,
Тошкент шаҳридаги “Mitsol”
МЧЖ директори

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига йўлаган Мурожаатномасини ҳар биримиз қизгин кузатдик. Бойси, унда тилга олинган ютуқ ва муваффақиятлар барчамизга тегишли, белгиланган режалар ҳар биримизга дахлдор. Президентимиз келгуси йиллар учун қизиб берган ислохотлар мундарижасидан халқимизнинг бирор вакили четда қолмайди.

Қўзланган олий мақсад эса мамлакатимиз фуқароларининг ҳар бири даромадли бўлиши, камбағалликка барҳам берилиб, юртдошларимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

2026 йилга “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб ном берилиши кейинги йиллардаги ислохотларнинг узвий давомий бўлди. Zero, бутун ҳар ким фаровон ҳаёт кечирishi учун қилинаётган ишлар бево-ситта маҳалла тизимига боғлангани, одамларнинг барча муаммолари шу тизимнинг ўзида

ҳал этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам маҳалла ўз зиммасига олган. “Маҳалла этиллиги” уйма-уй юриб, ишсиз одамларни қизиқтиришга қараб ишга йўналтиришти, бандлигини таъминлапти. Очиги, бундай ёндашув дунёнинг бошқа давлатида кузатилмайди.

Жорий йил мамлакатимиз ҳаётида улкан ютуқ ва зафарларга бой бўлди. Ҳар бир соҳа вакили буни ҳеч иккиланмай айта олади. Айниқса, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларимиз барча соҳаларда акс этиб, мамлакатимиз ялли ички маҳсулоти тарихимизда илк бор 145 миллиард доллардан ошди, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди.

Тадбиркор сийосатида ўзим ҳам ана шу жараёнларнинг бево-ситта иштирокчисига айланаётганимдан қувонаман. Маҳалла вакиллари бизга чиқиб, бўш иш ўринларига ишсиз фуқароларни таклиф қилади, имкон қадар уларни қабул қилишга интиламиз. Бойси, бутун тадбиркорларга катта имтиёз ва имкониятлар берилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган экан, биз ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш орқали бу ишончга муносиб жавоб беришга ҳаракат қилаемиз.

Ялли бутун юртимизда кечаётган иқтисодий ислохотларда тадбиркорларнинг уллуши ортиб бормоқда. Мурожаатномада одамларнинг доимий даромадли қилишга қаратилган ишларда тадбиркорлар ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, саноат ва сервис объектиларини ташкил қилиш, доимий иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ешлар ва хотин-қизларга касб ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишга алоҳида жонобозлик кўрсатаётгани таъкидланди.

Шу бонис, келаси йилда ҳам тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилиб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун моддий ресурслар ажратилиши айтилди. Биз ҳам шунга мос равишда юртдошларимиз янада фаровон яшашига ҳиссамизни қўшиш, худудларда кўпроқ бўш иш ўринлари яратишга мақсад қилганмиз.

ТАРИХИЙ МУРОЖААТНОМА



Акмал САЙДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Янада эътиборли жиҳати шундаки, бошқа мамлакатларда давлат раҳбарининг асосан парламента Мурожаатнома тақдим этиш тажрибаси кузатилади. Янги Ўзбекистонда эса 2017 йилдан бошлаб ана шу янгича сиёсий-ҳуқуқий амалиёт янада демократик ёндашувлар билан бойитилиб, Президентнинг парламента ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома тақдим этиш тажрибаси амалиётга татбиқ этилди.

Ўзбекистон ҳаётидаги бу илғор сиёсий-ҳуқуқий анъананинг қатор ижобий жиҳатлари бор. Жумладан, Президентимиз Мурожаатномаларини нафақат парламент аъзолари, балки кенг жамоатчиликка ҳавола қилиб келмоқда. Бу гал ҳам Мурожаатнома тақдимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан ташқари халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, суд тизими раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, давлат ташкилотлари, идора ва муассасалар раҳбарлари, илмий ва ишбилармонлик доиралари намояндлари, фуқаролик жамияти фаоллари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари — қарийб 10 минг иштирокчи офлайн ва онлайн тарзда иштирок этди.

Агар ушбу муҳим сиёсий-ҳуқуқий тадбир ҳар гал телевидение ва интернет каналлари орқали тўғридан тўғри намоиш этилаётганини эътиборга олсак, Президентимизнинг Мурожаатномаси бутун Ўзбекистон халқига беvosита мурожаат сифатида янада аҳамиятли эканига шубҳа йўқ.

Ушбу ибратли анъана янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди. Президент Бош қонунимизга мувофиқ, **“Ўзбекистон Республикаси халқига ҳамда**

суд ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини нечоғлиқ муваффақият билан таъминлаб келаятгани таҳсинга сазовор.

Ўтган даврда Ўзбекистонда ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги халқ вакилиги тизими шакллантирилди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугунги кунда Олий Мажлисимиз энг кучли парламентларга хос бўлган барча назорат ваколатларига эга”.

Бунга амалий бир мисол: 2023 йилдан буён ташқи қарз миқдорини парламентимиз белгилаб келмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Президентининг янги ташаббуси билан энди давлат қаfolати остида ташқи қарз олиш масаласини маъқуллаш ҳам парламент ваколатига ўтказилмоқда.

Ўзбекистон парламенти том маънода “халқ уйи”га айланиб бормоқда. Депутатлар ва сенаторлар билан муҳокама қилинган барча ташаббус ва режалар, сессияларда илгари сурилган гоъ, мақсад ва вазифалар моҳият эътиборига қўра, нафақат қонунларга киририлмоқда, аини чоғда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Олтинчи Мурожаатноманинг асосий хусусиятлари

Президент Мурожаатномаси сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан нисоятда катта аҳамиятга молик, моҳиятан ёндашганда, давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига қаратилган дастурий ҳужжат ҳисобланади. Мурожаатномалар парламенти ўз фаолиятини янги Ўзбекистонга мос равишда ташкиллаштириши, халқ фаровонлигини ошириши, жамият ва давлатни узоқ муддатларда, жумладан, глобал иқтисодий инқироз даврида ҳам барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда фаол бўлишини талаб этади.

Шу ўринда Президент Мурожаатномалари, бир йиллик давлат дастуридан фарқли ўлароқ, яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳамда энг муҳим вазифаларни қамраб олишини эътироф этиш керак. Хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига олтинчи Мурожаатномаси жамият ва давлатни тараққий эттиришининг яқин беш йиллик стратегик ҳужжатидир.

Айниқса, олтинчи Мурожаатнома бо борара орттирилган миллий тажриба ва кўп йиллик хорижий амалиётдан тубдан фарқ қилади. Янги Мурожаатнома муайян хусусиятларига қўра гоъ тарихий аҳамиятга эга.

Биринчи хусусияти — Мурожаатномада сўнгги тўққиз йилда жамиятимиз ва давлатимиз босиб ўтган катта тараққий йўли теран ҳамда холис таҳлил қилинди.



“Ўзбекистон — 2030” стратегияси: таҳлил ва ташаббус

Сўнгги тўққиз йилда халқимиз ва юртимиз тараққий пилапооялари бўйлаб изчил юксалди. Миллий иқтисодиёт қайта шаклланди, қонун устуворлиги таъминланмоқда. Ижтимоий, маърифий ва ҳуқуқий соҳалар муттасил ривожланмоқда. Асосийси, шиддатли ва қармордов ислохотлар ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз самараларини бермоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, боғча ва шифоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин”**.

Ҳақиқатан, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессансининг мустаҳкам пойдеворини тиклашга қатъий бел боғлаганимиздан буён қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бирига айланди. Энг асосийси, барча соҳалар қатори қурилиш тармоғидаги улкан ишларимиз ҳам инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилмоқда.

Ватанимиз бўйлаб муҳташам ва фусунқор, шинам ва ҳар томонлама қўлай уйлар, бино ва иншоотлар қуриш борасида ақл бовар қилмайдиган тежорлик билан гоъ улкан кўламлардаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Халқимизнинг кўз ўнгиде қад ростлаётган замонавий турар жойлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, муҳандислик-коммуникация, йўл ва транспорт тармоқлари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасалари, боғ ва хиёbonлар обод шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Айниқса, изчил ошиб бораётган инвестициявий жойбардорлик туфайли пойтахтимизда бунёдкорлик суръати янада жадаллашди. Кўп қаватли уй-жойлар, меҳмонхоналар, бизнес марказлар, маданият ва спорт мажмуалари шаҳар имкониятларини кенгайтирмоқда. Янги Тошкент қурилиши бошланиб, иккинчи замонавий мегаполисга айланмоқда. Пойтахтимизда ҳам автобус, ҳам метрополитен йўналишлари изчил кенгайтирилмоқда.

Юртимиз аҳолиси фаровонлиги ва турмуш маданиятини ошириш мақсадида шаҳар ва туманларда — “сити”лар, қишлоқ жойларда эса “Янги Ўзбекистон” массивлари илғор шаҳарсозлик ечимлари асосида қурилмоқда. Янгича масканлардаги иншоотлар нафақат замонавий архитектура, балки аҳоли учун яратилган инфратузилмани қўлайлиги билан ҳам ажралаб туради. Инфратузилма иншоотлари қуёш панеллари ва геликоллекторлар ўрнатилмоқда. Бу, ўз навбатида, энергия тежамкорлиги ва узулксизлиги, экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим омилдир.

Кейинги йилларда мамлакатимиз энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинди ва 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилди. Натигада электр ишлаб чиқариш қўра 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард киловатт-соатга етди. Бунда қарийб 5 минг мегаваттлик қуёш ва шамол, 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялар ишга туширилгани алоҳида эътиборга сазовор. Чунки тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи сезиларли қамайиб, атмосферага зарарли моддалар чиқилишининг олди олинмоқда.

2025 йилда иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, аграр сектор ривожига туб бурилиш ясашга муваффақ бўлиди. Пахта, ғалла ва мевасабзавотчи-



ликда янги навлар экиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришилди. Миришкор фермерларимиз пахтачиликда ҳосилдорликни ўртача 50-60 центнердан, уларнинг 1,5 минг нафари эса 70 центнердан оширган бўлса, ғаллачиликда 3,5 мингдан ортиқ тажрибали фермер ўртача 100 центнердан ҳосил олгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу тармоқлар ривожига янги давр бошланаётганидан далolat беради. Ўз навбатида, биргина шу йилнинг ўзида мевасабзавот етказиб берилган давлатлар сонини 8 тага кўпайиб, 83 тага етгани қишлоқ

Коррупцияга қарши қатъий кураш эълон қилинди

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупцияга қарши курашда кескин ва қатъий позицияни эълон қилди. 2026 йил коррупцияга қарши курашда “фавқулодда ҳолат” йили сифатида белгиланади.

“Такрор ва такрор айтаман: коррупция — давлат тараққийига тўсиқ бўлмаган, адолат ва қонун устуворлигини издан



хўжалигида экспорт салоҳияти ҳам ортиб бораётганини кўрсатиб турибди. Эътиборлиси, ўз брендига асос солиб, юртимиз довуруғини дунёга таратаётган тадбиркорлар доимо қўллаб-қувватланмоқда, чунки улар қўшимча қиймат яратиб, минглаб одамларни доимий даромадга эга қилмоқда. Шу маънода, Президентимизнинг: **“Тадбиркорни қўллаб-қувватламасдан Янги Ўзбекистонни барпо қила олмаймиз”**, деган сўзлари мутлоқ асослидир.

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар самараларини, бир томондан, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш борасидаги имкониятларимизни янада мустаҳкамлаётган бўлса, иккинчи томондан, бу йўлдаги улкан ютуқларимиз дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Президентимиз Мурожаатномасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқиш ташаббусини илгари сувар экан, ушбу амалий тақдирни ҳар томонлама чуқур таҳлил ва қатъий исбот қилиб бергани жуदा муҳим. Аслида, давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, бундан икки йил олдин ушбу стратегияни қабул қилганимизда яқин ички махсусот ҳажмини 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказиш белгилаб олинган.

Шу қисса даврда юртимизда амалга оширилган шиддатли янгиланишлар, бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик меҳнати эвазига турли соҳаларда қўллаб-қувватлаш натижалар кўлга киритилди. Мавжуд салоҳиятимиз, ислохотларимиз, тадбиркорларимиз фаоллиги, хорижий шерикларимиз билан ҳамкорлигини ўсиб бораётгани ҳисобига бу маррага 2026 йилнинг ўзида бемалол эриша олишимиз аён бўлиб турибди.

чиқарадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш — ислохотларга хиёнатдир”, деди Президентимиз.

Ҳар йили дунё бўйлаб коррупция сабабли тахминан 2,6 триллион доллар пул ўғирланади. Бу бутун дунё яқин ички махсусотнинг 5 фоизидан ортиғига тендир. БМТ Тараққий дастурига қўра, ривожланаётган мамлакатлар коррупция оқибатида расмий ривожланиш дастурлари орқали олган ёрдамдан қўра ўн баравар кўпроқ пул йўқотди.

Коррупцияга қарши кураш ҳақида сўз борганда, шубҳасиз, дунё ҳамжамиятининг ушбу соҳадаги “бош қонун” бўлган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси эсла-нади. Мексиканинг Мерида шаҳрида 2003 йил 9 декабрда бўлиб ўтган конференцияда имзолаш учун очиқ деб эълон қилинган Коррупцияга қарши конвенцияга бугунги кунга қадар дунёнинг 192 та давлати қўшилган. Ўз навбатида, халқаро жамоатчилик томонидан 2004 йилдан бошлаб 9 декабрь Жаҳон коррупцияга қарши кураш кунини сифатида нишонланиб келинмоқда.

БМТ конвенцияси коррупцияни маҳаллий муаммодан трансмиллий хавфсизлик масаласига айлантди ва иштирокчи давлатлардан фақат жиноятчиларни жазолаш эмас, балки коррупциядан холи бўлган адолатли тизим яратилиши талаб қилмоқда. Конвенция иштирокчисини сифатида сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда давлат бошқарувида бюрократияни қисқартириш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, давлат хизматларини соддалаштириш бўйича ишлар изчил давом эттирилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили

асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги ҳужжатни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва ризматнома бекор қилинди. Электрон давлат хизматлари сонини 15 қарра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар эса 11 миллиондан ошди. Ушбу чораларнинг барчаси юртимизда маиший коррупция даражасининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлди.

Коррупция даражасини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларнинг рейтинг натижалари ҳам Ўзбекистонда бу борадаги ислохотлар самардорлигини кўрсатмоқда. Коррупцияга қарши курашишдаги ижобий ишлар билан бирга ушбу соҳада тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд.

Шу нуқтан назардан, Президентимиз Мурожаатномасида, жумладан, 2026 йилдан эътиборан:

— барча давлат идораларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат учун масъул ўринбосар лавозими жорий этилиши;

— Ҳисоб палатаси вакиллари фаолияти йўлга қўйилиб, бюджет маблағлари талон-тароҳ қилиниши ва мансаб сунистеъмоличлигига қарши таъсирчан назорат ўрнатилиши;

— Президент Администрацияси Комплаенс хизмати 1 январдан барча давлат идораларида аини тизимни ишга тушириб, ҳар бир ҳолат юзасидан Президентга беvosита ахборот киритиб бориши белгилангани жуदा муҳим.

Янада муҳими, қонун олдида ҳамма тенгдир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Лавозимим бор, менга ҳеч ким тегамайди”, деганлар қаттиқ адашди. Ҳеч бир идора, ҳеч бир ташкилот, ҳеч бир мансабдор назоратдан четда қолмайди. Комплаенс хизматининг ишига тўсиқлик қилиш коррупцияга шериклик сифатида баҳоланади.

Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади

Янги Ўзбекистонни барпо этишда жамиятимиз ва давлатимиз “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган инсонпарвар гоъа амал қилмоқда. Маҳалла — жамиятнинг юзи. Мамлакатимиздаги барча ўзгаришлар, аввало, шу ерда ўз ифодасини топади. Президентимиз ташаббуси билан шундай тизим яратилдики, илгари жиддий деб ҳисоблаган кўплаб масалаларга ечим эндиликда айнан маҳалланинг ўзида топилапти.

Шу маънода, мамлакатимизда 2026 йил **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** деб эълон қилинган бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбари ишонч билан қайд этганидек, “Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади”.

Президентимиз 2026 йил давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизимини — барча-барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлишини таъкидлади. Шу боис, Мурожаатномада 2026 йили амалга ошириладиган қуйидаги энг муҳим 6 та устувор йўналишдан иборат дастур тақдим этилди:

— **биринчи устувор йўналиш** — маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш;

— **иккинчи устувор йўналиш** — иқтисодиётни технология ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш;

— **учинчи устувор йўналиш** — ички бозорда талабни рағбатлантириш;

— **тўртинчи устувор йўналиш** — касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш;

— **бешинчи устувор йўналиш** — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

— **олтинчи устувор йўналиш** — замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларнинг давом эттиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилда маънавий соҳасини янада ривожлантириш, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги муҳим саналарни кенг нишонлаш масалаларига ҳам тўхтади. Жумладан, 2026 йилда Ватанимиз мустақиллигининг шонли 35 йиллиги катта байрам қилинади. Шунингдек, Соҳибқирон Амнр Темур, Мир Алишер Навоий боболаримизнинг қутлуг таваллуд айёмларини нишонлаш қилиб.

Хулоса қилиб айтганда, жонажон Ватанимиз бугун янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий муносабатлар асосида яшаб, меҳнат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, овоз ва эркин инсонлар дунёсига айланмоқда. Президентимиз фахру ифтихор билан эътироф этганидек, **“Биз — бутун 38 миллиондан зиёд катта халқимиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва гурури балан миллатимиз. Биз ўзгаришларни кутиб яшаймиш, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз”**.



Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”.

Давлатимиз раҳбари мазкур конституциявий норма талабларига риоя қилган ҳолда сўнгги тўққиз йилда парламентамиз ва халқимизга олтинчи бор Мурожаатнома билан чиқди. Бу, ўз навбатида, Президентимиз Конституцияда муҳрланган ҳуқуқ ва эркинликларимиз қафили сифатида Конституцияга қатъий амал қилиш борасида барчамизга ўрناк ва намуна бўлиб келаятганига яққол далolatдир.

Бинобарин, Президент Бош қонунимизда белгиланганидек, **“фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яқлтилигининг қафилдир”**.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентини янги таҳрирдаги Конституцияда белгилаб қўйилган давлат ҳокимияти тизимидеги уч тармоқ — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси

ЗАМОНАВИЙ СУД:

ЖАЗОЛОВЧИДАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИГА АЙЛАНАЁТГАН ТИЗИМ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш, судьялар макенини оширишда намоён бўлмоқда. Зеро, суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг таъсирчанлигини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён.



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Айнан шундай ёндашув туфайли соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самардорлиги кейинги даврда нисбатан кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Суд тизимини либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бу борадаги вазифалар устувор йўналиш сифатида белгиланган. Хусусан, стратегиянинг алоҳида йўналиши суд ҳокимияти мустақиллиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини, ушбу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашни назарда tutadi. Судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, бегараз ва ҳолис бўлса, жамиятда адолат ўрнатилди. Шу маънода, кейинги йилларда суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини ҳолис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига ишончини янада оширишга эришилди.

Шу билан бирга, судловнинг очиклиги ва ҳалқчиллигини таъминлаш, рақамлаштириш орқали одамларга қулайлик яратиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўп масалалар ўз ечимини кутмоқда.

“Рақамли суд” концепцияси

Одил судлов соҳасини рақамлаштириш мақсадида ривожланган давлатлар таърибаси асосида “Рақамли суд” концепцияси ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар белгиланди. “Рақамли суд” — замонавий технологияларни ва сунъий интеллектни суд тизимида жорий қилиш орқали суд ишларини тезлаштириш, самардорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган янги ёндашувдир.

Айни пайтда ушбу концепция асосида кўплаб хорижий давлатларда суд иш юритиш йўлга қўйилган, унинг мақсади суд ишларини тўлиқ электрон шаклда юритиш ва суд жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган.

Шу маънода, “Рақамли суд” концепцияси тизими суд жараёнларининг янада очиклиги ва тезкорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Бу тизим орқали суд ишлари бир неча марта тезлашади. Айни вақтда судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, ишларни электрон шаклда юритиш амалиёти юзасидан амалий тадбирлар аллақачон бошланган.

Хусусан, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд муҳокамаси иштирокчиларини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиш каби имкониятлар судлар фаолиятида қатор қулайликларни вуждуга келтирди.

Рақамли суд нафақат технологик янгилик, балки одил, очик ва фуқароларга хизмат қиладиган коррупциясиз суд тизimini яратиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Таҳлилларга кўра, фуқаролик ва иқтисодий судларда кўриладиган даъволарнинг катта қисми нисозсиз ишларга тўғри келмоқда. Шу боис, бундай масалаларни маъмурий органлар ваколатига ўтказиш фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари муаммоларининг қисқа муддатда ҳал этилишини таъминлайди.

Яна бир қулайлик: маъмурий ва иқтисодий суд ишларини экстерриториал тарзда кўриш тартибини жорий этиш билан боғлиқ, Бутунги рақамли технологиялар асрида бунинг имкони бор.

Одил судловга эришишда қулайлик яратиш

Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бутуннинг долзарб вазифаларидан. Президентимизнинг жорий йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги



фармони аниқ мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Фармонга кўра, судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган “Рақамли суд” концепцияси босқичма-босқич амалга оширилди.

— Хужжатда “Рақамли суд” концепцияси асосида рақамли технологияларни одил судлов соҳасига кенг жорий этиш бўйича навобатдаги вазифалар белгилаб берилди, — дейди Олий суд раиси ўринбосари Шухрат Полонов. — Жумладан, суд ишларини юритишда қозғош шаклидан бутунлай воз кечиб мақсадида “Рақамли суд” концепцияси асосида ишлар юритилиши босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда суд ишларини кўришни содда-лаштириш мақсадида судга ариза беришдан

“**Суд ишлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ электрон юритилади. Сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрланади ва суд ҳужжатлари лойиҳалари автоматик шакллантирилади.**”

Шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган интерактив электрон хизматлар турларини ошириб бориш, суд ҳужжатларини нусха олиш, суд ишлари билан танишиш, аризадан судга тааллуқлилиги ва судловга тегишлилигини аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида суд ҳаражатларини ҳисоблаш имкониятини яратиш борасида ҳам қатор вазифалар белгиланди.

Судлар фаолиятини рақамлаштириш бўйича “Кибер ҳуқуқ” йўналишида илмий тадқиқотлар ўтказиш, судьялар ва суд аппарати ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакаси доимий ошириб борилади.

“Рақамли суд” концепцияси асосида босқичма-босқич суд мажлиси заллари ташкил этилади ҳамда аҳоли ва судьялар учун қулай

ва замонавий шарт-шароитлар яратилади. Шунингдек, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади.

Фармон билан суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг 2025-2027 йилларга мўлжалланган дастури ҳам тасдиқланди. Унда 2026 йил 1 январдан бошлаб “my.sud.uz” интерактив хизматлар порталида фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модулини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Аҳамиятlisi, ушбу ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш модулида сунъий интеллект асосида ишлайдиган виртуал маслаҳатчи яратилиб, суд маълумотлари ва ҳуқуқий мурожаатларга жавоблар автоматик тарзда етказилди.

Кейинги йил 1 мартдан бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки суд маълумотларини фуқароларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, 2026 йил якунига қадар фуқароларга одил судловга эришишда қулай имкониятлар яратиш мақсадида 5 та янги интерактив хизмат йўлга қўйилди, шунингдек, суднинг ахборот тизимидаги “Шахсий кабинет” платформасининг фойдаланувчилар учун янада қулай бўлган янги версияси ишлаб чиқилди.

Малакали кадрлар тайёрлаш янада такомиллаштирилади

Ҳар қандай соҳада малакали кадрлар салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада янги босқични бошлаб беради. Хужжат билан Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби негизинда Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси ташкил этилди. Академия Судьялар олий кенгаши ҳузурида фаолият юритиш, иختисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлади.

— Академиянинг асосий принципларидан бири шуки, бу ердаги таълим жараёни устоз-шогирд анъанасига кўра, “бўлажак судьяни судья ўқитиш” тамойили асосида йўлга қўйилди, — дейди Судьялар олий кенгаши судяси Хусниддин Камолов. — Бу бўлажак судьяларга суд жараёнида қар ҳандай бахсли мунозораларга тегиш чим топиш имконини беради. Фармонга асосан бу ердаги ўқув жараёни дуал таълим шаклида олиб борилади. Шунингдек, касбий қайта тайёрлаш курслари тинловчиларнинг қўнимқисмини шакллантириш мақсадида амалий машғуллотлар деонтологик услубда ўтказилади. Бунда тинловчиларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ва бошқа давлат органлари ҳамда муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланади.

Асосийси, касбий қайта тайёрлаш курсларида суд мажлисларини реал вақт режимида кузатиш ва судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш имконини беришни “виртуал суд” машғуллотлари йўлга қўйилди. Шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқув дарслари ташкил этилади.

Академияда судья ва суд аппарати ходимларининг мажбурий малакасини ошириш тартиби ҳам жорий этилади. Унда судьяларнинг ишлаш муддати, яъни даврийлигига қараб, хусусан, беш йил муддатга тайинланган судьялар — ҳар икки йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган, ўн йил муддатга тайинланган судьялар — ҳар уч йилда икки ҳафтадан кам бўлмаган малака ошириш курсларида ўқитилади.

Одил судлов ҳалқпарвар жамиятнинг асосий шартидир. Шу маънода, ушбу хужжатлар судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, судлар шаффофлигини ошириш, суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш механизмининг янада такомиллаштириш, соҳада таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали профессионал судьялар корпусини шакллантиришга хизмат қилади.

“**ФАРМОНГА КўРА, СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган “РАҚАМЛИ СУД” КОНЦЕПЦИЯСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**”



КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини кучайтириш йўлида

Нилуфархон САИД-ҒАЗИЕВА, Конституциявий суд девони раҳбари, юридик фанлар доктори



Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг энг муҳим шартларидан бири қонун устуворлигини таъминлашдир. Қонун устуворлиги тамойили давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг Конституция ҳамда қонунларга қатъий риоя этишини назарда tutadi. Ушбу тамойилни амалда таъминлашда эса Конституциявий суд алоҳида ўринга эга.

Конституциявий суд давлатда Конституциянинг олий юридик кучини таъминловчи, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг бош қонунимизга мувофиқлиги устидан конституциявий назоратни амалга оширувчи муҳим институтдир.

Хозирги глобаллашув ва жамият ҳаётидаги тезкор ўзгаришлар шароитида давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари олдидан конституциявий қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, қонун устуворлигини амалда қарор топтириш вазифалари ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

одил судловга эришиш кафолатларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Хужжатнинг энг муҳим ва долзарб жиҳатларидан бири фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтиришга қаратилгандадир. Амалиёт конституциявий шикоят институтининг самарали ишлаши фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ишончини оширишни кўрсатади.

Қолаверса, хужжатда мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларини содда-лаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари “йўқолиб кетиши”нинг олдин олишга қаратилган механизмларни жорий этиш назарда тутилган. Айниқса, Конституциявий судга тўғридан тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг мурожаатларини ваколатли субъектлар орқали кўриб чиқиш тизимини жорий этиш фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишдаги яна бир муҳим қадамдир.

Шунингдек, фармонда назарда тутилган нормалар конституциявий шикоят институтининг мазмунан янги босқичга кўтарилганини таъминлайди. Хусусан, муайян иш бўйича қўлланган қонун Конституцияга зид деб топишдан таъдирда суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш имконияти яратилиши инсон ҳуқуқларини тиклашга қаратилган адолатли ва прогрессив ёндашувдир.

Ушбу қоида Конституциявий суд қарорларининг амалий аҳамиятини янада оширади, унинг қарорлари декларатив тусда қолиб кетмай, реал ҳуқуқий оқибатларга эга бўлишини таъминлайди. Шу орқали Конституциявий суд ҳақиқий маънода инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатчиси сифатида намоён бўлади.

Фармонда Конституциявий суд ваколатларини кенгайтириш орқали ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан конституциявий назорат ўрнатиш вазифаси белгилангани ҳам ҳуқуқий давлат тамойилларига тўла мос келади. Бу давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашда Конституциявий суднинг таъсирини янада кучайтиради.

Ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан самарали конституциявий назорат мавжудлиги жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим кафолатларидан биридир. Чунки бу орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мувофиқ қабул қилиниши ва қўлланиши таъминланади.

Бутун жамият ҳаётининг барча соҳасини рақамлаштириш глобал тарракқийнинг асосий йўналишларидан бирига айланиб улгурган. Сабаби, фуқаролар кўп вақт ва ортиқча маблағ сарфламай, турли маълумотнома ва рухсатномаларни масофадан туриб олиш, ўз мурожаатларини йўллаш имкониятига эга бўлмоқда. Бу эса навобатлар, қозғошлик ва бюрократик тўсиқларнинг сезиларли даражада қисқариши ҳамда фуқаролар учун очиклик ва шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, фармонда Конституциявий суд фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга

Нуқтаи назар



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



қаратилган нормалар ҳам ўз аксини топган. “Е-КСУД” ахборот тизимининг жорий этилиши суд фаолиятида шаффофликни ошириш, фуқароларнинг судга ишончини мустаҳкамлаш ва одил судловга эришишда қулайликлар яратади.

Шу билан бирга, суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, электрон мурожаатлар қабул қилиш, суд жараёнларини онлайн кузатиш имконияти — буларнинг барчаси Конституциявий судни замонавий, очик ва ҳалқчил институт сифатида шакллантиришга қаратилган муҳим қадамлардир. Айниқса, ногиронлиқ бўлган шахслар учун шарт-шароитлар яратиш инсонпарварлик тамойили ҳамда ижтимоий давлат фаолиятининг амалий ифодаси дейиш мумкин.

Қолаверса, фармон билан Конституциявий суд фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, қўшимча штат бирликларини ажратиш, ходимларнинг мод-

дий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Судья ва суд ходимларининг муносиб меҳнат шaroитига эга бўлиши, ижтимоий ҳимояси таъминланиши одил судлов сифатида бевосита таъсир кўрсатадиган омил эканини амалиёт тасдиқламоқда.

Мақур фармон Конституциявий суд фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган, ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда конституциявий одил судловни ривожлантиришда стратегик аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Хужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши Конституциявий суднинг фуқароларнинг давлат ишончини мустаҳкамлаш ва жамиятда адолат ҳамда қонунийликни қарор топтиришдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Янгича ёндашувлар

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ АСОСИДА ДИАГНОСТИКА

ЮРТИМИЗ ТИББИЁТ СОҲАСИДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИЗЧИЛ ҚўЛЛАНИЛМОҚДА



“Сунъий интеллектни таълим, фан, ишлаб чиқариш ва тиббиёт билан чуқур интеграция қилиш стратегик заруратдир. Чунки СИни фақат технология сифатида эмас, балки илм-фаннинг янги парадигмаси, миллий тараққиётнинг асосий драйвери ва инсон саломатлигини асрашда кучли восита сифатида кўриш вақти келди.

Сўнгги пайтларда тиббиёт соҳасидаги ислохотлар, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг изчил жорий этилиши Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг етакчи тиббиёт хабига айлантиришга хизмат қилмоқда. Институционал ўзгаришлар узоқни кўзлаган стратегик сиёсат, тиббий инфратузилмани янгилаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар натижасидир.

ва жамият саломатлигини стратегик бошқариш имкониятини яратмоқда. Инсон қадр ва халқ манфаатлари устувор бўлган бугунги ислохотлар жараёнида тиббиётни диверсификациялаш нафақат давлат самардорлигини оширади, балки профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш тизимини ҳам янги босқичга олиб чиқади. Шу сабабли

учун танловлар ва стажировкалар — буларнинг барчаси мамлакатимизни нафақат технологиялар истеъмолчиси, балки уларни яратувчи, экспорт қилувчи ҳамда жаҳон миқёсида рақобатлаша оладиган марказга айлантириш йўлидаги улкан қадамлардир. Айнқса, тиббиёт соҳасида сунъий интеллект технологияларига асосланган махсус соҳиларини кенгайтириш, уни янги манбалар билан бойитиш ва инсон ҳаёти ҳамда жамият тараққиёти учун янада катта фойда келтиришидир.



Шуҳрат БОЙМУРАДОВ, Тошкент давлат тиббиёт университети ректори

мамлакат барқарор тараққиёти, миллий иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш ва глобал инновацион жараёнларда муносиб ўрин эгаллашдаги ҳал қилувчи аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Юртимизда амалга оширилаётган рақамли ислохотлар, миллий СИ стратегиясининг қабул қилиниши, сармоя ортиши, замонавий таълим дастурлари ва ўқув лабораториялари ташкил этилиши янги Ўзбекистоннинг илмий-технологик қудрати тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Сунъий интеллект технологияларининг инсон ҳаётига энг тез ва самарали таъсир кўрсатаётган йўналишларидан бири тиббиётдир. Бугун рақамли диагностика тизимлари жорий этилиши натижасида юртимизда 50 мингдан ортиқ беморга сунъий интеллект ёрдамида аниқ таълим қўйилган, бу жараён вақти бир неча кундан соатларга қисқаргани, шифокорлар юкласини кескин камайгани соҳа имкониятлари қанчалик кенгайганини яққол кўрсатади. Маммография, онкология ва кардиологияда сунъий интеллект платформалари томонидан берилган хулосаларнинг 98 фоизи шифокорлар томонидан тасдиқлангани ушбу технологиянинг ишончлилиги, илмий асослангани ва амалий қийматини янада мустаҳкамлайди. Хусусан, Қорақалпоғистондаги “Саломатлик марафони” доирасида маммография текширувларининг 70 фоизи маҳаллий СИ платформалар орқали



сунъий интеллект эндиликда тиббий билим, рақамли маълумотлар таҳлили, клиник қарор қабул қилиш ва лаборатория тадқиқотларини автоматлаштиришнинг асосий омилга айланмоқда.

Президентимиз томонидан эълон қилинган “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури айнан СИ соҳасида малакали

лабораториялар ташкил этилиши катта аҳамиятга эга. Бундай лабораториялар клиник маълумотларни интеллект таҳлил қилиш, рақамли диагностика алгоритмларини яратиш, илгор нейротармоқ моделлари ва машина ўрганиш технологияларини маҳаллий шарафига мослаштириш, тиббий тасвирларни автоматик таълим олиш, фармакологияда индивидуал давлош моделларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда юртимизнинг илмий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади. Бу эса мамлакат тиббиётини рақобатбардош, тезкор, инновацион ва юқори самарали тизимга айлантириш имконини беради.

Сунъий интеллектни таълим, фан, ишлаб чиқариш ва тиббиёт билан чуқур интеграция қилиш стратегик заруратдир. Чунки СИни фақат технология сифатида эмас, балки илм-фаннинг янги парадигмаси, миллий тараққиётнинг асосий драйвери ва инсон саломатлигини асрашда кучли восита сифатида кўриш вақти келди. Унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун кадрлар тайёрлаш тизими, замонавий инфратузилма, тажрибали мутахассислар, лабораториялар, рақамли маълумотлар базаси, илмий ҳамкорлик ва халқаро тажриба алмашуви каби унсурлар ягона мақсад сари уйғун ҳолда ишлаши лозим.

Аждодларимиз илм яратган. Биз эса уни давом эттириш, замонавий технологиялар билан бойитиш, янги илмий йўналишларни кашф қилиш, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳият жиҳатидан янги поғонага кўтариш ва келажак авлодга мазмунан бой, илмий асосли, замонавий тафаккурга эга мерос қолдириш масъулиятини зиммамизга олган авлодмиз. Илм — боқий дарё, оқими тўхтамайди. Бизнинг вазиғамиз унинг



таҳлил қилиниши, таълим қўйиш вақтининг 5-7 баробар қисқариши рақамли тиббиёт келажиги нақадар улкан эканини кўрсатди.

Сунъий интеллектнинг бундай ютуқлари тиббий амалиётни замонавий даражада индивидуаллаштириш, хавф омилларини олдиндан баҳолат қилиш, касалликлар динамикасини реал вақт режимида кузатиб бориш

кадрларни тизимли равишда тайёрлаш, олий ва умумий таълимда сунъий интеллект саводхонлигини кучайтириш, мактабдан тортиб, университетгача ягона илмий-инновацион экотизим яратишни назарда тутади. Замонавий лабораториялар, ташкил этиладиган супер компьютер кластери, халқаро тажриба алмашуви платформалари, иқтидорли ёшлар

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект тиббиётда клиник қарорлар қабул қилишни илмий далиллар билан мустаҳкамлайди, шифокор имкониятларини миллионлаб клиник тажрибалар асосида шакллانган интеллектуал база билан бойитади. У шифокор ўрнини эгалламайди, аммо унинг касбий салоҳиятини кенгайтиради, инсон омилига боғлиқ хатоларни минималлаштиради ва замонавий тиббиётни юқори аниқлик, тезкорлик ва самардорликка асосланган янги босқичга олиб чиқади. Шу боис, сунъий интеллектни ўрганиш, уни клиник жараёнларга чуқур интеграция қилиш ва унинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб илмий ҳамда амалий талабларидан бирига айланди. Бироқ бу жараён фақат тиббиёт ичидаги ислохотлар билангина чекланмайди. Бундай улкан инновацион ўзгаришлар, юқори технологияли инфратузилмани яратиш ва соҳага катта миқдордаги инвестицияларни йўналтириш натижасида янги Ўзбекистон тиббиёти минтақада стратегик аҳамиятга эга тиббиёт хабига айланиш учун реал имкониятга эга бўлди. Замонавий лабораториялар, супер компьютер кластери, роботлаштирилган операция хоналари, юқори технологияли итхтислашган марказлар барпо этилиши мамлакатга нафақат ўз эҳтиёжини қондириш, балки кўшни давлатлардан юқори сифатли тиббий хизмат излаб келадиган беморларини қабул қилиш имконини ҳам яратади.

Бу эса амалиётда бир нечта муҳим устуниликка эга: — минтақада малакали кадрлар томонидан амалга ошириладиган мураккаб операциялар ва юқори технологияли тиббий хизматларни тақдим этиш; — тиббий хизматлар орқали қўшимча қиймат яратиш ва соҳанинг иқтисодий самардорлигини ошириш; — тиббий туризмни ривожлантириш ҳисобига мамлакатга валюта тушумларини кўпайтириш; — миллий тиббиёт мактаби нуфузини ошириш, илмий тадқиқот салоҳиятини кучайтириш.

Тиббиёт соҳасини рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш нафақат соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилади, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган янги қўшимча қиймат занжирини шакллантиради. Янги Ўзбекистон тиббиёти ана шу интеграцион ёндашув орқали Марказий Осиёнинг юқори технологик тиббиёт марказига айланиш йўлида изчил ва мустаҳкам қадамлар билан илгирлаб бормоқда.

кутубхона базаси 95 фоизгача кенгайтирилди, ўқитиш жараёнида рақамли чечмалар жорий этилди.

“Яшил олийгоҳ” ташаббуси доирасида университет биноларига қуёш панеллари ўрнатилиб, барқарор ривожланиш тамойиллари амалиётга татбиқ этилди. Университетда умумий қиймати 2 миллиард 298 миллион сўмлик 19 та маҳаллий, 3 та халқаро ва 1 та стартап лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу кўрсаткичлар ёшлар ташаббуслари фалқ қўллаб-қувватланаётгани, илмий-инновацион экотизим шаклланаётганидан далолат беради. Талабалар ютуқлари ҳам эътиборга молик. 207 талабамиз турли чемпионатларда ғолиб бўлди.

Институционал ислохотлар халқаро баҳолаш тизимларида ҳам ўз аксини топмоқда. 2025 йилда Фарғона давлат университети QS институционал баҳолаш тизимида 4 юлдуз сертификатга эга бўлди, QS Asia рейтингинда 901-950 оралиқда қайд этилди. Шунингдек, UI GreenMetric халқаро рейтингинда дунё миқёсида 327-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, университетимиз 2025 йилда қатор йирик халқаро илмий форумларга мезбонлик қилиб, минтақада академик мулоқот ва ҳамкорлик географиясини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўйди. Умуман олганда, Фарғона давлат университети таълим олиш таълим соҳасидаги ислохотлар изчил, институционал барқарор ва халқаро ишонч асосида амалга оширилганда қисқа муддатда аниқ натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади. Бундай ёндашувлар миллий олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ

ИШОНЧ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ БАРҚАРОРЛИҚДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН

Илм-фан

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим тизимини модернизация қилиш, халқаро таълим маконига интеграциялаш ва ҳудудий ривожланишнинг муҳим драйверига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат сиёсатининг ушбу йўналишида олий таълим муассасалари институционал салоҳияти, бошқарув самардорлиги ва ташки академик ишонч масалалари устувор аҳамият касб этапти.



Азиза БОЗОРБОЕВА, Фарғона давлат университетининг халқаро ҳамкорлик бўйича проректори

2025 йил якунига келиб, 537 миллиард сўмга етди. Бу кўрсаткич олийгоҳ имкониятлари кенгайгани, таълим ва илмий муҳитни замон талаблари асосида янгилаш учун пухта замин ҳозирланганини аниқлатади.

Шунингдек, инфратузилма ривож таълим йўналишлари ва илмий фаолият қўлами билан ҳамроҳанг кечди. Пировардда факультетлар сони 8 тадан 12 тага, кафедралар 40 тадан 51 тага, таълим йўналишлари 60 тадан 82 тага, магистратура мутахассисликлари 34 тадан 41 тага етказилди. 7 та илмий ва 28 та ўқув лабораторияси ташкил этилиб, қўшимча ўқув бинолари ҳамда талабалар турар жойлари барпо этилди.

Илмий муҳитни кучайтириш, профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ механизмлар йўлга қўйилди. Натижада диссертация ёқлашлар сони 51 тадан 126 тага етиб, илмий салоҳият 26 фоиздан 62 фоизга кўтарилди.

Ҳозир университетда маҳаллий ва халқаро грантлар доирасида илмий тадқиқот ва



инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таълим сифатини ошириш мақсадида етакчи ОТМларнинг 300 талик рўйхатидаги университетлар таълим асосида 454 та ўқув дастури такомиллаштирилди. Электрон

Бунга Фарғона давлат университетидидаги фаолиятим мобайнида ўзим гувоҳ бўлдим. Жумладан, 2021 йилдан буён университетимизда молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, инфратузилмани босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган тизимли чоралар қўрилиши натижасида ўша йили 241 миллиард сўм бўлган университет бюджети

Рейнгольд Глиэр таваллудининг 150 йиллиги

ЎЗБЕК "ТУЛСАРА"СИНИ СЕВГАН ОЛЖОН БАСТАКОРИ

Рейнгольд Глиэр ҳаёти ва ижодига чизгилар



Музиканинг тугал асар шаклига келтирилиши, бир оҳанг орқали инсонга руҳий озуқа берадиган куйларнинг яратилиши бастакорлик ижодиёти билан боғлиқ. Унинг мазмуни халқ маънавий дунёсини замона мутаносиб ҳолда акс эттириб, қайта тақдим этишдан иборат. Унда давр нафаси, халқ дунёқарши, руҳияти, фалсафаси, эътиқоди, эстетикаси каби жиҳатлар мукамал уйғун бўлиши лозим.

Ота-она болакайнинг қизиқишига қатъиян қарши чиқиб, уни бу фикрдан қайтаришга уринади. Чунки оилага молиявий масалалар тўғрисида бир сўм ишлаб топиши ҳам даргумон бўлган ўртамийна муслиқчи эмас, балки моҳир уста керак эди. Бундай тез-тез содир бўлувчи тушунмовчиликлар таъсирида бўлажак бастакорнинг феъл-атвори шакллана бошлади. Камгап бола хонасига қамалиб, ўз муаммоларини ҳеч ким билан бўлишгиси келмас, лекин шу билан бирга, доимо ўзининг бошқалар олдида нимага қодир эканини намойён этишга интиларди.

Бастакорлик ижоди ва умуман, муслиқ санъатининг турли йўналишлари билан боғлиқ масалалар IX-XVII асрларда яшаб ижод этган Ал-Киндий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Сафариуддин Урманий, Абдулқодир Марогий, Абдурахмон Жомий, Зайнуллобиддин Хусайний, Нажмиддин Кавкабий, Дарвишаи Чангий каби алломаларнинг муслиқ илмига оид рисола-ларига баён этилган.

Узоқдек туюлса-да, аслида, иккаласи ҳам борлиқнинг чексизлигини ифодалайди. Шу сабаб муслиқ доимо маданиятлараро мулоқотнинг энг кучли воситаси бўлиб келган. У сиёсий чегараларни тан олмайди, мафкура-лардан баландроқ туради ва вақтга бўйсунмай яшай олади.

Тақлиқларга қарамай, Рейнгольд ўз орузи сари қатъият билан ҳаракат қилди. Ун ёшида уни гимназияга жойлаштиришда ота-она-сидан яширинча илк бор скрипкини қўлига олди ва ниҳоятда арзон ҳақ эвазига ушбу чолғунинг ўргатувчи устозини топди. Глиэрнинг дастлабки муслиқ муаллимларидан бири кес-са хаваскор скрипкачи бўлса, кейингиси муслиқ билим юрти талабаси бўлди.

Кайд этилишича, муслиқ назарияси ва амалиёти азаддан ўзаро боғлиқ ҳолда шакл-ланиб келган. Марказий Осиё ҳудудига VI асрнинг иккинчи ярми ва VII асрнинг бошида яшаган афсонавий созада ва бастакор Бор-бад Марвазийнинг ижрочилик мероси муслиқ ижодиётининг илк қадамлари сифатида эътироф этилади.

Айнан мана шу — умумийлик ва мил-лийлик ўртасидаги нозик мувозанат аср-лар давомида яшовчанлигини тасминалб келди. XX аср бошида ана шу мувозанат-нинг чуқур хис қилган ва уни ижодий мезон-га айлантира олган профессионал компо-зиторлар пайдо бўла бошлади. Рейнгольд Глиэр ана шундай санъаткорлардан бири эди. У муслиқни турли маданиятлар ру-ҳини бирлаштира оладиган "юксак тил" сифатида англаб, бутун ижодини шу го-га бўйсундирди. Шу сабаб Глиэр ижоди хусусида сўз юритиш, аввало, муслиқ моҳияти, унинг илм ва илҳом ўртасидаги нафис чегаралари ҳақида фикр юритиш демакдир.

Яқинларнинг хоҳишларига қарши чиқиб баробарида имтиҳонлар учун тўхтовсиз ўқиб, изланган ёш муслиқчи 1891 йилда муслиқ билим юртига ўқишга кирди ва ажойиб педагог — чех скрипкачиси Шевич синфида тахсил ола бошлади. Бир йил ўтиб эса Рейнгольд ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди: Киев-ский гастроль сафари билан Киевга келди. Машҳур бастакорнинг чиқишларини ташкил

Амир Темур ҳамда теурийлар даври эса ўрта ва Янн Шарқ халқлари муслиқ санъатининг ривожланган, яъни Уйғониш (Олтин) даври бўлгани бир неча тарихий манбалардан ўз исботини топган. Ушбу даврда илм-фан ҳар томонлама тараққий топди. Муслиқ санъатига хос барча йўналиш бир-бирига уйғун ҳолда ривожланди. Улар қаторида бастакорлик ижоди камолот даврини ўтади.

Уқувсиз уста йигитнинг мафтункор муслиқ олами



Темурийлар даври муслиқ маданияти ҳаёти Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун-нафонс", "Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад", "Ҳолоти Ҳасан Ардашер" каби бебаҳо асарларида асосли ёритилган. Муслиқ ижодиёти доирасида бастакорликнинг турли жиҳатлари ҳар томонла-ма Навоий қарашлари билан тахсил этилган.

Киевнинг машҳур Бессарабка худудидати Бассейна кўчасида — Клигентал шари-дан Украинага кўчиб келган немис фуқароси Мориц Глиэр оиласида 1875 йил 11 январда (яъни ҳисоб бўйича) ўғил фарзанд дунёга келди. Мехрибон ота-она унга Рейнгольд дея исм берди.

1912 йилда Глиэрнинг учинчи симфония-си — "Илья Муромец"нинг тантанали премь-ераси бўлиб ўтди. Орадан бир муддат ўтгач, у "Сиреналар" номли симфоник оркестрига ёзилган поэмаси учун Глинка номидаги му-кофотни иккинчи бор қўлга киритди. 1913 йилда бастакор Киевда янги ташкил этилган консерваторияда назарий фанлар ва компози-ция бўйича профессор лавозимини эгаллаш тақлифини мамнуният билан қабул қилди. Бир йил ўтгач эса умумий йилгилида у кон-серватория директори этиб сайланди.

анъаналарини давом эттирган ҳолда ўзига хос услубларини яратди. Муслиқнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у тил танламайди. Бир халқ-нинг дарди, қувончи, орзу-умидлари бошқа халқ юрагига ҳам акс садо беради. Шарқ мақомларидаги сокин оҳанглар билан Евро-па симфониясидаги улуғворлик бир-биридан

Оила бошлиғи отамерос касб — муслиқ ускуналари устачилиги билан шугуллана-р, мис дамли чолғулар ясаш орқали оиласининг кам-қўстини таъминлар эди. У кичик уста-хонасини фанр билан "фабрика" деб атар, куннинг асосий қисмини шу "фабрика"да ўтказарди. Бўлажак бастакорнинг онаси — асли поляк наслидан келиб чиққан Жозефи-на Корчак ниҳоятда маърифатли аёл бўлиб, Рейнгольддан ташқари яна учта фарзанди —

Глиэрнинг ҳаёти ва ижоди ўзи истагандек тасодифларга, қутилмаган вазиятларга бой бўлди. 1923 йилда Глиэр Озарбайжон ху-куматининг тақлифига биноан Озарбайжон халқи ижодини яқиндан ўрганиш максатида Бокуга келди ва шу кундан эътиборан қал-бидан Шарқ муслиқаси нафосати мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу ижодий сафарининг самара-си ўлароқ, Озарбайжон халқ қўшиқлари асо-сида "Шоҳсанам" операси яратилди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.
34211 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎзА якуни — 00:00 Топшириқди — 00:10

Азизбек ЮСУПОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

GAZETADEGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN UZBEK ALIFBOSIDA UQISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

Рейнгольд ўз орузи сари қатъият билан ҳаракат қилди. Ўн ёшида уни гимназияга жойлаштиришда ота-она-сидан яширинча илк бор скрипкини қўлига олди ва ниҳоятда арзон ҳақ эвазига ушбу чолғунинг ўргатувчи устозини топди.

1930-1940 йиллар Рейнгольд Глиэр ижодида Ўзбекистон билан боғлиқ энг баракали ва мазмулли давр бўлди. Бу йилларда у ўзбек муслиқий муҳитига ташқаридан қаровчи бастакор эмас, балки миллий санъатнинг ички руҳиятини англашга интилган ижодкор сифатида фаолият юритди. Шарқона оҳанг, халқ куйларининг табиий ритми, ўзбек муслиқасига хос драматик ифода услублари унинг эътибори марказида бўлди. Глиэр ушбу хусу-сиятларни Европа классик муслиқ шакллари билан уйғунлаштириб, янги бадийий сифат ҳосил қилишга интилди.

Вақт ўтиб боргани сари Глиэр ўзбек бастакорлари билан янада яқин ҳамкорлик қила бошлади. 1936 йилда Тўхтасин Жалилов ва Толиб Содиқов билан биргаликда яратилган "Тулсара" муслиқий драмаси миллий муслиқ ва саҳна санъатининг наватдаги босқинчи бошлаб берди. Унда халқ куйларига асослан-ган муслиқий материаллар макон билан уйғун-лашиб, томошабин дилига яқин ва тасвирчан бадийий тил вуждуга келди.

"Тулсара" муслиқий драмаси 1936 йил-да саҳналаштирилган бўлса-да, аслида, у композитор ва драматург Комил Яшиннинг 1930-йиллар бошида яратилган ва кейинча-лик қайта ишланган муҳим асарларидан бири бўлиб, Ўзбекистон давлат филармонияси ҳузуридаги муслиқ театри томонидан саҳна-лаштирилган.

Асар дастлабки вариантда ўша давр ўз-бек саҳна санъати учун долзарб бўлган иж-тимоий ва маънавий масалаларни ёритишга қаратилган бўлиб, кейинчалик вақт талаб-лари, саҳна тажрибаси ва ижодий изланишлар таъсирида бир неча бор қайта ишланди. Ай-нан шу қайта ишлаш жараёни "Тулсара" ни шаклан ва мазмунан етук муслиқий драма даражасига олиб чиқди.

Тарихий нуқтан назардан қаралганда, "Тул-сарар" ўзбек миллий муслиқий драмаси ривож-ланишида бурилиш ясаган асарлардан бири-дир. У миллий саҳна санъатини профессионал даражага кўтариш борасида муҳим тажриба-вазифасини ўтади. Кейинги йилларда яратил-ган кўптаб муслиқий драмалар ва опералар айнан шу асар очиб берган йўлдан борди.

"Тулсара" операси юқоридати муслиқий драма сингари, ўзбек аёлиниши тубанликдан юз бўриб, хурриятга интилиши мавзуси билан боғлиқ. Асарнинг қисқача мазмуни шун-дан иборатки, ёш жувон Тулсарар ўз эри, илгор илчи Қодир таъсирида паранжисини ташлаб, ўқишга киришга қарор қилади. Лекин бу ре-жаси Тулсаранинг калтабин отаси — Ибро-ҳимнинг қаршилигига учрайди. Опера қи-зини отасининг зулмидан ҳимоя қилмоқчи бўлган қаҳрамоннинг онаси — Ойсаранинг муҳдиш ўлими билан тугайди. Тулсарар Иб-роҳимнинг қўлидан қутулиб чиқиб, майдонга югуради ва барча аёлларни янги ҳаёт учун курашга чорлайди.

Албатта, спектакль мазмунини 40-йиллар охиридаги томошабин асар ўн икки йил аввал биринчи бор саҳналаштирилганидан бир оз бошқача қабул қилади. Ваҳшиёна муттаассиб-лик ҳам, паранжи ташлагани учун ўч олиш ҳам ўтмишда қолиб кетган эди. Лекин эскича